O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV.№

БУГУНГИ СОНДА:

ИККИ КУНЛИК ЎҚУВ-СЕМИНАР

партия фаоллари билимларини оширишга хизмат қилди 2

ЗАБОН ВА ДУНЁ

Улуғ бобомиз Алишер Навоий ўз асарларида 1 миллион 378 минг 666 та сўз, шу жумладан, 26000 бетакрор иборалар ишлатган... 3

ГУЛИСТОН – ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ МЕЗБОНИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт мусобақалари мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказишда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. 4

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 20 (724) 2009 йил, 1 май, жума

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йил 28 апрель куни Қозоғистон Республикасининг Олмаота шаҳрида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Саммит ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Қуйида давлатимиз раҳбарининг ана шу нутқи матни эълон қилинмоқда.

Муҳтарам давлат раҳбарлари,
Хонимлар ва жаноблар,

Аввалambор, давлат раҳбарлари ва бу ерда ҳозир бўлган минтақавий ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакилларини, экспертларни, ушбу учрашувнинг барча иштирокчиларини қутлаш ва уларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Абишевич Назарбоевга анъанавий меҳмондўстлик ва анжуманимиз қатнашчиларига кўрсатилаётган катта эътибор учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг мазкур учрашуви нечоғли долзарблигини ва мажлисда муҳокама этиладиган масалалар фақатгина минтақавий аҳамиятга эга эмаслигини таъкидлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Орол денгизи муаммосининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Аммо бу муаммонинг кўлами XX асрнинг 60-йилларида айниқса хавфли тус олди. Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни янада ривожлантириш, сув тақчил бўлган йилларнинг мунтазам такрорланиб туриши энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бири содир бўлишига — сайёрамиздаги энг чиройли сув ҳавзаларидан бирининг қуриб боришига олиб келди. Бутун инсоният кўз ўнгида денгиз ҳалокатга юз тутмоқда. Менингча, тарихда бундай ҳодиса илгари рўй бермаган.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баравардан кўпроқ қисқарди, сув ҳажми 10 мартага камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди.

Бу ерда пайдо бўлган чўл Оролбўйи ҳудудини шафқатсизларча қамраб олаётганига барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш сифати ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Энг ёмони, у фарзандларимиз генофондига, бу ерда истиқомат қилаётган аҳоли генофондига хавф солмоқда. Бу хавфнинг таъсири бугунги кунда нафақат қуриб бораётган денгиз атрофидаги минтақалар — Қозоғистоннинг Қизил Ўрда вилояти, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларини, балки бутун Марказий Осиё минтақасини қамраб бормоқда.

Сув ресурсларининг, жумладан, ичимлик сувининг танқислиги ва унинг сифати пасайиши, ерларнинг яроқсиз ҳолга келиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиб кетиши, атмосфера ифлосланишининг ошиши туфайли иқлим ўзгаришлари, эҳтимол, шу билан боғлиқ равишда минтақа асосий дарёлари оқимининг катта қисми ҳосил бўладиган Помир ва Тянь-Шань музликлари майдонининг қисқариб бориши — булар Орол денгизининг ҳалокати натижасида вужудга келаётган салбий оқибатларнинг кичик бир рўйхати, холос.

Бугунги кунда шуниси мутлақо равшанки, Оролбўйида келиб чиқиши ва асоратлари жиҳатидан глобал, таъбир жоиз бўлса, бутун сайёрамиз миқёсидаги мураккаб экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар комплекси юзага келган.

Экспертларнинг фикрича, тобора ҳалокатли тус олиб бораётган бундай таҳликали вазиятда шу нарса борган сари аён бўлмоқдаки, бу муаммони жаҳон ҳамжамияти ва биринчи навбатда, БМТ институтлари билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатларсиз бартараф этиш мумкин эмас.

Маълумки, жорий йилнинг март ойида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ташкил этилганига 16 йил тўлди ва бугун биз унинг фаолиятига доир айрим натижаларни кўриб чиқишимиз мумкин. Жаҳон жамоатчилиги, дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳукуматлари ва қатор халқаро институтлар эътиборини Орол муаммосига жалб эта олганимиз, шубҳасиз, ушбу Жамғарманинг хизматидир.

Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Глобал экология фонди, турли халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатларнинг фаол ёрдами ҳамда иштирокида минтақада истиқомат қилувчи аҳоли генофондига хавф солаётган нохуш вазиятни соғломлаштириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2008 йилда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомининг берилиши унинг глобал миқёсда фаолият кўрсатиши учун янги имкониятлар очмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да "Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар" мавзусида 2-Республика ярмаркаси бўлиб ўтди.

Анъанавий равишда ташкил этилган мазкур ярмарка ишлаб чиқаришнинг технологик даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш, инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорларга чиқишини таъминлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиёт тузилмасини шакллантиришга йўналтирилган. Ўз навбатида, мазкур йирик тадбир мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият натижаларини изчил қўллаш мақсадида ўтказилди.

Кўпчиликка маълумки, бундан аввалроқ Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси томонидан "Инновацияларни қишлоқ хўжалиги амалиётига тадбиқ этиш – қишлоқ барқарор тараққиётининг муҳим омили" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилиб, унда инновацион ишланмаларнинг қишлоқ хўжалиги ва соҳа корхоналари фаолиятида кенг қўлланилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини камайтириш, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш, пировардида мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланганди. Қизғин ва самарали ўтган мазкур ярмаркани ана шу йўналишдаги амалий саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Дарвоқе, инновация ҳар бир корхонанинг янги маҳсулотлар тайёрлашга имкон берувчи ишончли омилдир. Буни яхши англаган тадбиркор-у ишбилармонларнинг ярмаркадан қадами узилгани йўқ. Унда 120 дан ортиқ илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба-конструкторлик ташкилотлари ва ихтирочилар ўзларининг 600 яқин технологиялари, ишланмалари ва илғор ғоялари билан иштирок этди.

Эминжон ЙЎЛДОШЕВ,
«Adolat» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Тошкент, Ўзбекистон

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноб Шигео Кацунинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи давомида Жаҳон банки делегацияси билан ўтказган самарали мулоқотингиз, шунингдек, 2009 йил 3 март куни йўллаган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон банки гуруҳи сув-энергетика тармоғи Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади. Минтақадаги узоқ муддатли барқарорлик ва истиқболда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши кўп жиҳатдан минтақавий ҳамкорлик муваффақиятига ҳамда барча миллий стратегик манфаатларнинг ҳурмат қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳукумати мурожаатига жавобан, Жаҳон банки гуруҳи Марказий Осиёнинг беш мамлакати билан сув-энергетика масалалари юзасидан фаол музокара олиб бормоқда. Жаҳон банки гуруҳи БМТ Бош ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда қабул қилинган «Энергия манбаларининг ишончли ва узлуксиз транзити ҳамда унинг барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдаги роли» резолюциясига тўла мос равишда фаолият юритиб, барча аъзо мамлакатларнинг олий манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда, ўз қоида ва процедуралари қўлланишига ғоят катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи сўнгги йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги сув ва энергетика билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда, бу борада тадқиқотлар олиб боришда иштирок этди. Бу лойиҳа ва тадқиқотлар Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Энергетика бўйича стратегик концепция ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур концепция 2008 йил ноябрда Боқуда ўтказилган вазирлар даражасидаги конференция чоғида барча мамлакатлар томонидан маъқулланди. Жаҳон банки гуруҳи ушбу концепцияга асосланган ҳолда, минтақадаги аниқланган ва келгусида аниқланадиган энергия ресурслари, жумладан, сув ва иссиқлик энергетикаси ресурслари, қайта тикланадиган ва бошқа энергия манбаларининг ҳажмини белгилаб олиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Шу асосда трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг қишки мавсумда энергияга муқаррар эҳтиёжи, трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг ёз мавсумида экологик ва гидрологик эҳтиёжларига тегишли равишда эътибор қаратилишини ҳамда улар ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайдиган бир қатор изчил чора-тадбирларни таклиф қилмоқчи эдик.

Тожикистон ҳукумати таклиф этган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзасидан қуйидагиларни баён этишга ижозат бергайсиз. Банк бу қурилишнинг минтақага салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Тожикистон ҳукумати олдида фақат дастлаб лойиҳани қай даражада амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун бирламчи тадқиқотларни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ушбу тадқиқотлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид халқаро битимларга мувофиқ, таклиф этилган лойиҳанинг техник, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нечоғли мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, қурилиш келтириши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий оқибатлар аниқланади.

Шу маънода, Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Кацу жаноблари, Жаҳон банки гуруҳи ушбу масалалар техник тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида жуда пухта ўрганиб чиқилишини кафолатлайди, деб Сизни ишонтириб айтган эди. Мен ҳам буни алоҳида таъкидламоқчиман. Қўшимча равишда шуни айтишим керакки, ушбу тадқиқотларнинг натижалари барча манфаатдор мамлакатларга тақдим этилади ва бу каби иншоотлар қурилиши борасида умумий, ўзаро мос нуқтаи назар ва ёндашувларни шакллантириш учун муҳокама этилади.

Сиз кўтарган барча масалалар ушбу тадқиқотларнинг техник вазифалари сирасига киритилади. Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидаларига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқёсда эътироф этилган консалтинг компаниялари олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган Халқаро мустақил экспертлар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкоралиқни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверади.

Томонларнинг барчаси ўзини ташвишга солаётган масалалар тўлиқ ҳал этилганига ишонч ҳосил қилиб, Роғун ГЭСи каби лойиҳаларга сармоя киритиш мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини маъқулласа, Ўзбекистоннинг бундай инвестицион лойиҳаларда иштирок этишга қизиқиш билдиришидан мен мамнун бўлур эдим.

Сизнинг мактубингизда таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг энергия экспорти борасидаги салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бизнинг мақсадимиз минтақага сармоя барқарор ва изчил кириб бориши учун масаланинг техник, молиявий ва экологик жиҳатларини кўриб чиқиш юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир. Шунингдек, Сиз билан Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг энергетика соҳасида дуч келаётган қисқа муддатли, лекин мураккаб муаммоларини ҳал этиш бўйича ёндашувларни муҳокама этишни истар эдик.

Биз истиқболда Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришдан ғоят манфаатдормиз.

Эҳтиром ила,

Роберт ЗЕЛЛИК,
Жаҳон банки президенти

2009 йил 15 апрель

Семинар-кенгаш

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ ПОҒОНАСИДА

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, айни кунларда ҳудудий партия ташкилотларида вилоят Кенгашларининг ташкилий-партиявий фаолиятини кучайтиришга қаратилган семинар-кенгашлар ўтказилмоқда. "Ўзбекистон "Адолат" СДП: юксалишнинг янги поғонасида" деб номланган мазкур тадбирларда партия олдида турган долзарб вазифалар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти партия Кенгашида шу мавзуда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда вилоятнинг шаҳар ва туманлар партия Кенгашлари раислари қатнашдилар.

Анжуманни вилоят партия Кенгашининг раиси Жуманиёз Алибеков кириш сўзи билан очди ва тадбирнинг аҳамияти ҳақида йиғилганларга тушунтириш берди. Таъкидландики, "Адолат" социал-демократик партияси мамлакат сиёсий ҳаётида тобора фаол иштирок этмоқда. Айниқса, бу жамиятни янгилаш, давлат бошқарувини такомиллаштириш, модернизация дастурини изчил амалга ошириш ва ана шу жараёнларга нисбатан ҳар бир юртдошимизда мустақил фуқаролик позициясини шакллантиришда яққол намоён бўлмоқда.

Бугун кўплаб мамлакатларга хавф солаётган ва Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам таҳдид кўрсатиши мумкин бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида сиёсий партиялар олдида қандай янги вазифалар турибди? Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зуҳра Ботирова тадбир иштирокчилари эътиборини Президент Ислом Каримовнинг долзарб мавзудаги маърузаларига қаратиш орқали бу каби саволларга жавоб излашга ҳаракат қилди. Хусусан, Юртбошимизнинг "Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби" маърузаси ҳамда "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби бу борада муҳим дастуриламал манба бўлиб хизмат қилиши таъкидланди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 2009 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари қизғин муҳокама этилди. Бу мавзуда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Худоёр Маматовнинг маърузаси тингланди. Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни танлаш, ҳисобга олиш ва захира шакллантиришни ташкил этиш масалалари ҳам семинар иштирокчиларининг асосий диққат-эътиборида бўлди. Тадбир кун тартибидан ўрин олган ушбу муҳим масала тўғрисида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари ўринбосари Фарида Пармонова маърузаси қилди.

Семинар доирасида баён этилган маърузалар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Партия фаоллари мамлакатда рўй бераётган жараёнларда бошланғич партия ташкилотларининг иштирокини янада кенгайтириш ва Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Ҳаракат дастурида белгиланган янги вазифаларни жойларга етказиш ҳамда тўлиқ ижросини таъминлаш хусусида якдил фикр билдирдилар.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Adolat» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ ТАЪСИСЧИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 2008 йили Тошкентда Орол бўйича халқаро конференция ўтказилгани ушбу ўта жиддий муаммони халқаро даражада кўриб чиқишга яна бир сезиларли туртки берди. Анжуманда 90 дан ортиқ халқаро ташкилот, Япония, Германия, Хитой Халқ Республикаси ва араб мамлакатларининг йирик давлат молия институтлари, шунингдек, етакчи тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Форум якунлари бўйича Тошкент Декларацияси ва Орол ҳалокатининг оғир оқибатларини юмшатиш учун умумий қиймати қарийб 1,5 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутадиган Ҳаракат режаси қабул қилинди.

Бизнинг фикримизча, халқаро институтлар ва донор-мамлакатлар томонидан маъқулланган ушбу Ҳаракат режасидан экспертларимиз ва Халқаро жамғарма мутахассислари Орол денгизи ҳавзасидаги минтақага ёрдам кўрсатиш бўйича 2011-2015 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг учинчи босқичини ишлаб чиқишда самарали фойдаланишлари мумкин.

Биз Ўзбекистонда Орол денгизини том маънода қутқариб қолишнинг амалда деярли иложи йўқлигини яхши англаймиз. Аммо бу ерда яшаётган аҳолига соғлом турмуш кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш мақсадида ҳар томонлама пухта ўйланган чора-тадбирлар Дастурини амалга оширишимиз шарт. Бу бизнинг бурчимиздир.

Орол қуриши оқибатларини бартараф этиш ва Орол денгизи ҳавзасини экологик жиҳатдан соғломлаштириш борасида бизнинг асосий, энг муҳим вазифаларимиз, аввало, қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблаймиз:

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида кичик сув ҳавзалари яратиш, чанг ва туз бўронларини камайтириш мақсадида дельта ҳавзаларига сув етиб боришини таъминлаш, биохилма-хиллик ва дельта экотизимини қайта тиклаш;

— Орол денгизининг қуриб қолган қисмида жуда муҳим бўлган ўрмонзорлар барпо этиш, қум кўчишини тўхтатиш, денгизнинг қақраб ётган тубидан заҳарли моддалар кўтарилишини камайтириш;

— коммунал хизмат ва даволаш муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни зарарсизлантирувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, сув йиғиш иншоотларини хлорловчи қурилмалар билан қайта жиҳозлаш ҳамда аҳолининг соғлигини сақлашга хизмат қиладиган бошқа кўплаб тадбирларни бажариш;

— Оролбўйи ҳудудида кўлами тобора кенгайиб бораётган экологик таназзулнинг аҳоли саломатлиги ва фарзандларимиз, келгуси авлодларимиз генофондига таъсирини тизимли асосда ўрганиш, ушбу минтақага хос турли хавфли касалликлар одамлар орасида кенг тарқалишининг олдини олиш ва бундан огоҳлантириш, бу ерда яшаётган аҳоли учун ихтисослашган профилактика ва даволаш муассасалари тармоғини кенгайтириш, ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришга доир чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш.

Қайд этилган лойиҳалар ва дастурларни жорий этиш учун фақат кейинги 10 йил мобайнида Ўзбекистонда 1 миллиард доллардан ортиқ, жумладан, хорижий кредитлар, техник кўмак ва грантлар ҳисобидан қарийб 265 миллион долларга тенг маблағ сарфланди.

Шу юксак минбардан туриб, менга берилган имкониятдан фойдаланиб, Орол фожиасини юмшатишда бизга катта ёрдам кўрсатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг тузилмаларига, барча донор-мамлакатларга чуқур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг инсоний бурчим, деб биламан.

Яна бир муҳим масала тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Орол фожиаси ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар ҳақида сўз борганда, табиийки, ушбу вазифани ҳал этиш бевосита сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш, минтақадаги ўта нозик бўлиб турган экологик ва сув мувозанатини сақлашга эҳтиёткорлик билан ёндашиш муаммолари билан боғлиқ эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугун Оролбўйи ҳудудида ва умуман минтақада юзага келган ниҳоятда жиддий ва тобора оғирлашиб бораётган экологик вазиятда Орол денгизи қуриши туфайли юз бериши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олиш борасида ғоят муҳим чоралар кўриш кераклигини кимгадир исботлаб ёки кимнидир бунга ишонтириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Ҳурматли учрашув қатнашчилари,

Давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви чоғида кенгайтирилган таркибдаги музокарада фақат битта масала — Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг фаолияти ва унинг истиқболдаги асосий вазифаларини муҳокама қилишга келишиб олинган эди. Бироқ айрим ҳамкасбларимиз ўз сўзларида кенгайтирилган таркибдаги музокарадаги келишувимиз доирасидан чиқиб кетди. Шунга қарамай, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолияти доирасидан анча йироқ бўлган масалалар юзасидан бугун баҳс-мунозара уюштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ, деб ўйлайман.

Мен фақат биз учун жуда муҳим бўлган бир воқеа, яъни яқинда Жаҳон банки президенти жаноб Роберт Зелликдан олинган ва Ўзбекистон матбуотида эълон қилинган мактуб ҳақида яна бир бор эслатиб ўтишни истардим. Бу хат Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда Марказий Осиёда бутун минтақа гидроэнергетика ресурсларидан биргаликда фойдаланиш билан боғлиқ барча мураккаб муаммолар аниқ баён этилган мактубига билдирилган жавоб эди.

Сўнгги йилларда мазкур масала юзасидан жиддий баҳс ва муҳокамалар олиб борилмоқда. Минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатлар билан бу дарёларнинг қуйи қисмидаги мамлакатлар — Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон ўртасидаги баҳслар чоғида вужудга келган турли қарашларнинг бўлишини табиий ҳол, деб ҳисоблайман.

Тожикистон ва Қирғизистон, аввало, фақат ўз манфаатларини кўзламоқда. Ҳолбуки, бу ерда гап ҳар бир алоҳида давлат манфаатлари ҳақида бормоқда. Бу фақат бугунги куннинг манфаатлари эмас, балки келажакнинг ҳам манфаатлари эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки, бу ерда айтилганидек, совет даврида сув-энергетика дастурларини амалга ошириш борасида шу қадар кўп хатоларга йўл қўйилганки, бугун бу ҳақда афсусланиб гапиришга тўғри келади. КПСС Марказий Қўмитаси, Сиёсий бюро ва СССР Министрлар Совети қарорларига биноан қабул қилинган Сибирь дарёларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига буриш ва бошқа кўплаб ташаббуслар ана шундай улкан лойиҳалар сирасига киради.

Ишончим комилки, бундай «буюк лойиҳалар»нинг бирортаси ҳам пухта ўйланмасдан ишлаб чиқилган бўлиб, улар нафақат халқаро, балки умуман ҳеч қандай жиддий экспертизадан ўтмаган ва бу фикрни тасдиқлайдиган далиллар етарлидир.

«Партия қарорлари — ҳаётга» деган шиорга асосланиб, оқибати ўйланмай қилинган бундай ишлар нафақат бизнинг минтақамиз, балки собиқ Совет Иттифоқининг бошқа катта ҳудудларида ҳам шунчалик кўп муаммолар туғдирганки, бугунги кунда экологлар улар ҳақида афсус ва норозилик билан сўз юритмоқдалар.

Бу — алоҳида мавзу, албатта. Лекин бугун шу нарса аёнки, Марказий Осиё ҳудудида мазкур сув омборлари, гидростанциялар ва бошқа иншоотларнинг қурилишига муносабатлар турлича бўлмоқда. Бу эса кўзда тутилган асосий масала — электр энергияси олиш масаласини ҳал этиш билан бир қаторда, бугун биз ҳар қадамда тўқнаш келаётган кўплаб экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқараётгани билан боғлиқдир. Шу боис бу борада баҳс-мунозаралар бўлиши мутлақо табиий ва қонуний ҳолдир.

Биз фақат минтақада янгидан қурилиши бошланаётган барча йирик гидроэнергетика иншоотлари бўйича мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тарафдори эканимизни яна бир бор таъкидламоқчиман, холос. Бу борада бизни нафақат Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки, балки Европа Иттифоқи ҳам қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, минтақамизга, жумладан, Тожикистон ва Қирғизистонга бир неча марта келиб кетган Европа Иттифоқи вакили жаноб Морель ҳам шу ҳақда гапирган эди.

Шу сабабли бу ерда гап нафақат Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг нуқтаи назари ҳақида, балки амалда бутун жаҳон жамоатчилигининг фикри ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, мен бундай баҳслар бўлиши табиийлигини, лекин мунозарани янада кескинлаштирадиган фикрлардан тийилиш зарурлигини таъкидлашни истардим. Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин.

Энг асосийси — мамлакатлар ва давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатларни кескинлаштирмасдан, аксинча, ўзаро муросага келишдир. Бу борада биз учун бошқа йўл йўқ. Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, мен ҳам бошқалар каби Тожикистон ва Қирғизистон манфаатларини ҳурмат қиламан. Лекин барибир ўзаро келишувга эришишимиз даркор, негаки, бусиз ушбу ўта муҳим масалани ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги учрашувда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг чиқишини, у илгари сурган айрим, айтиш мумкинки, принципиал тамойилларни тўлиқ қўллаб-қувватлашимни қайд этмоқчиман. Унинг Туркманистон позицияси баён этилган фикрига кўра, «биз ушбу минтақада давлатлар манфаатлари мувозанатига эришишимиз даркор». Бу сўзларда ҳамма гап айтилган.

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум — биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки, пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган принцип — эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Эътиборингиз учун раҳмат.

∇ Бошланғич партия ташкилотларида

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МАҚСАД

“Адолат” СДПнинг Зарафшон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ўқувчилар ижодиёт маркази қошида фаолият юритаётган бошланғич ташкилоти фаоллари имконияти чекланган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда

Бошланғич ташкилот етакчиси Навбаҳор Пўлатова бошчилигида партия фаоллари шаҳардаги 10-мактабнинг ногирон ўқувчиси Фаррух Фармонов хонадонига ташриф буюришиб, унинг ҳолидан хабар олишди. Фаоллар келганларида Фаррух “Ўзбекистон – Ватаним менинг” мавзуида иншо ёзаётган экан. Иншо юзасидан улар узоқ суҳбатлашишди. Эндигина 14 баҳорни қаршилаган Фаррухнинг катталардек фикрлаши, сермулоҳазалиги партия фаолларида қизиқиш уйғотди.

– Бу – юракка яқин мавзу, – деди Фаррух фаоллар билан бўлган суҳбатда. – Ахир, она Ватанни ким севмайди, дейсиз. Шу боис, қанча ёзсам, куйласам камлик қилади...

Суҳбат сўнггида БПТ аъзолари партия номидан унга турли хил адабиётлар, китоблар, ўқув қуроллари топширдилар. Шу куни фаоллар шаҳардаги 3-мактаб ўқувчилари Алена Ганчерова, Наргиза Темирова ва 13-мактаб ўқувчиси Машҳура Музаффароваларнинг ҳам ўқиш ва шароитларидан хабар олдилар. Партия совғаларини тақдим этишди.

Бошланғич партия ташкилоти фаоллари мактаблар билан маҳаллалар ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишларни амалга ошириб келишмоқда. Яқинда улар ташаббуси билан шаҳардаги “Наврўз” маҳалласида “Фарзандларимиз – бизнинг ворисларимиз” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда маҳалла ҳудудидаги мактаблар ўқувчилари ҳамда ота-оналар иштирокида фарзанд тарбияси, ёшларни она Ватанга садоқат руҳида камол топтириш, касб—ҳунарга меҳр уйғотиш хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Шунингдек, бошланғич партия ташкилоти “Камолот” ЁИҲ шаҳар Кенгаши, Ички ишлар бўлими ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқлари эркинлигини таъминлашнинг моҳияти”, “Ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши кураш” мавзуларидаги тадбирлар ҳам иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бошланғич партия ташкилоти фаолларидан беҳад миннатдормиз, – дейди “Наврўз” маҳалла фуқаролари йиғини раиси Нуриддин Раҳматуллаев. – Чунки улар биз билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйишган. Ана шу ҳамкорлик асосида маҳалламизда, ҳудуддаги мактабларда турли қизиқарли тадбирлар ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, бошланғич партия ташкилоти аъзолари маҳалламизда ўтаётган спорт мусобақаларига ҳам бош-қош бўлишаяпти. Шунинг учун “Адолат” партиясининг обрў-нуфузи тобора ортиб бормоқда.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
“Adolat” мухбири.

ПАРТИЯДОШЛАР ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Сиёсий партияларнинг жамиятни янгилаш, ислоҳотларни жадаллаштириш, мамлакатни фаровонлаштиришдаги иштироки тобора кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда юзага келаётган тажриба ва ташаббусларни ўрганиш, оммалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, жойлардаги партия Кенгашларига фаолият йўналишларини аниқроқ белгилаб олишларига имкон яратибгина қолмай амалий ишларга ҳам кенг йўл очади.

Шу нуқтаи назардан “Адолат” СДПнинг Фарғона вилояти Кенгаши раиси Наримон Шодиев бошчилигидаги бир гуруҳ партиядошларнинг Самарқанд вилоятига ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташриф буюриши фойдадан холи бўлмади.

Фарғоналик партия фаоллари аввалига Самарқандда қурилиш, ободончиликлар соҳасида амалга оширилган диққатга сазовор ишларни кўздан кечирдилар. Кўҳна шаҳарнинг Регистон, Шоҳизинда, Гўри Амир сингари ёдгорликларини, Имом ал Бухорий масжид-зиёратгоҳини томоша қилдилар. Сўнгра улар Самарқанд шаҳрининг Иқтисодиёт ва сервис коллежи ҳамда Фарҳод маҳалласи қошидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан яқиндан танишдилар. Хусусан, Фарҳод маҳалласи бошланғич ташкилоти етакчиси Олим Маматқулов партиядошларга 50 дан ортиқ аъзоси бўлган қуйи ташкилотнинг ибратли ишлари ҳақида сўзлаб берди.

“Адолат” СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгашида бўлиб ўтган қабул чоғида эса фарғоналик партия делегациясига сиёсий-тарғибот ишлари самарадорлигини оширишнинг таъсирчан чоралари, аъзолари сонини кўпайтириш ва аъзолик бадалларини тўплаш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Тўра ЗОҲИР,
“Adolat” мухбири.

Таниш зинапоялардан ҳар куни эрталаб тушиб, кечқурун яна кўтариладиган одамдан: “Сиз учун энг қадрдон нарса нима?”, деб сўрашди. Ҳалиги киши ҳеч иккиланмай: ”Мана бу зиналар”, дея жавоб қилди. Ажабтовур жавобни эшитганлар, беихтиёр “Во ажаб!” деб юборишди. Шунда у: “Тўрт девор орасидаги биқиқ ва ташқаридаги қайноқ ҳаёт ўртасидаги восита – зина. Демак, бу зинапоягина эмас, балки яхшилик ҳамдир”, деди...

БАЛИҚ ЭМАС, ҚАРМОҚ БЕРСАК

Ҳимояга муҳтож оилалар ўз эҳтиёжини ўзи қоплайди, — дейди Чортоқ туманидаги “Алихон” қишлоқ фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти етакчиси Мусохон Сулаймонов

Қарангки, зина ҳам яхшилик бўларкан. Унда зинани ўйлаб топганлар ва уни барпо этганлар-чи? Шубҳасиз, улар мудом эл орасида оғизма-оғиз, қалбма-қалб яшайдилар. Уларнинг ҳаммасини ҳикоя қилиш қийин, уларнинг ибратли ҳаёти кичик бир мақолага сиғмайди. Лекин фурсат келганида яхшиликни гапиртирса бўлади. Масалан, Чортоқ туманининг Алихон қишлоғида Сайдулло исмли йигит яшайди. Содда, боз устига, болаликда тузукроқ савод чиқармаган Сайдуллонинг гулдай оиласи, ширингдан шакар ўғил-қизи бору, аммо дасти калта. Рўзғор ташвиши билан минг чиранмасин, унинг камтар, камсуқум ҳаёти зарур ижтимоий кўмакка муҳтожлигидан дарак бериб туради. Лекин...

– Сайдулло кабилар ҳар қанча ёрдамга муҳтож бўлмасин, бировга дардини ёрмайди. Кўмак сўраб идоралар эшигида сарғаймайди. Улар содда, қаноатгўйлигининг ҳам чегараси йўқ. Тағин ҳамиша “Ҳеч кимга ялинмайман”, деган хаёл билан яшашади, – дейди бошланғич ташкилот етакчиси Мусохон Сулаймонов. – Мақсадимиз шу каби одамлар орасига кириш, уларнинг ҳаётини ўрганиш, муаммоларини биргаликда ҳал этишдир. Бундай фаолият “Адолат” партияси дастурларига мос ва бунинг йўриқ-йўсинлари алоҳида белгилаб берилган.

Дарвоқе, Мусохон Сулаймонов туман бандликка кўмаклашиш марказида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди. Бинобарин, фаолияти атрофидаги одамлар ҳаёти билан қориштиқ. Унинг Сайдулло Охундадаевга ёрдам беришида ҳам ана шу омил қўл келди.

– 2006 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинган эди, – дейди у. – Қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда қарийб уч йилдан бери аҳолининг кам таъминланган қатламининг шарт-шароитларини ўрганиб, уларга ҳомийлар маблағига бир бошдан бепул қорамол олиб берилмоқда. Дастлабки йилнинг ўзида туман бўйича 275 бош, 2007 йили эса 273 бош, 2008 йили 101 бош қорамол ёрдамга муҳтож оилаларга тарқатилди. Жорий йили эса 117 нафар оилага бепул қорамол бериш режалаштирилган бўлиб, ҳозирга қадар 35 та кам таминланган оила бир бошдан қорамол эгаси бўлди. Жумладан, Сайдулло Охундадаевга ҳам узоқ йиллардан бери “Адолат” СДП аъзоси бўлган тадбиркор, “Афросиёб” фирмаси раҳбари Иброҳим Эргашев бир бош қорамол туҳфа этди.

Кўриб турганингиздек яхшилик яхши. Айни зарур пайт қилинган яхшилик эса ундан ҳам яхши. Шу маънода, суҳбатдошимиз яна бир гапни ўринли таъкидлади:

– Авваллари муҳтож кишилар фақат байрамларда ул-бул совға-салом билан йўқланарди. Кейин ўша одамнинг ҳоли нима кечиши билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Ҳозир эса бошқача: балиқ сўраган одамга қармоқ берилмоқда. Бундан мақсад ҳар ким ўз эҳтиёжи учун ўзи курашсин. Бизнинг мақсадимиз одамлар орасида ана шундай кайфиятни қарор топтиришдир.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,
“Adolat” мухбири.

◈ Тадбир

ИККИ КУНЛИК ЎҚУВ-СЕМИНАР

партия фаоллари билимларини оширишга хизмат қилди

Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар Кенгаши туман партия ташкилотлари етакчиларининг навбатдаги малака ошириш курслари бўлиб ўтди. Унда туман Кенгашлари раислари билан бир қаторда партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ходимлари ҳамда Хотин-қизлар ва “Ёш адолатчилар” Кенгашлари фаоллари иштирок этишди.

Таниқли сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев олиб борган икки кунлик ўқув-семинар машғулотларида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” ҳамда “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарларининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида сўз борди. Шу билан бирга, “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши”, “Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг роли” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар тингловчилари икки кун давомида фуқаролик жамиятининг асосий элементлари, мезонлари, сиёсий фаоллик, сиёсий партияларнинг бугунги кундаги имкониятлари сингари тушунчалар тўғрисида назарий ва амалий билимларга эга бўлишди. Жаҳонда содир бўлаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг сабаб ва оқибатлари, Ўзбекистонда унга қарши туриш, бартараф этиш йўллари тўғрисидаги мулоҳазалар, айниқса ўқув курси қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Шаҳбоз ИЗЗАТИЛЛАЕВ.

ОҚИЛОНА СИЁСАТ — БАРҚАРОРЛИК ГАРОВИ

Бугун жаҳон иқтисодиёти жиддий имтиҳон – молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Шунга қарамай, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли мамлакатимиз иқтисодиётида барқарорликка эришилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармонида иқтисодиётимиз реал секторида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш омиллари аниқ белгилаб берилган. Жумладан, иқтисодий инқироз оқибатларини камайтириш мақсадида 2009 йил 1 январь ҳолатига кўра, экспорт қилувчи корхоналарнинг кредиторлик қарзларини реструктуризация қилиш, экспорт қилувчи корхоналар томонидан қўшимча қиймат солиғи суммасини қайтариш муддатини 20 кунгача қисқартириш, тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган хорижий сармояли корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари муддатини 2012 йилгача узайтириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш масалалари долзарб вазифалар этиб белгиланган.

Кузатувчиларнинг фикрича, жаҳонда кузатилаётган инқироз юртимиздаги экспорт қилувчи корхоналар фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай пайтда маҳсулотга талаб ва эҳтиёж нисбатан пасайиши эҳтимоли мавжуд. Бошқача айтганда, ҳозир жаҳон товар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашуви, рақобатнинг кескинлашуви каби қатор ташқи омиллар мавжудки, булар Ўзбекистон корхоналари томонидан экспорт қилинадиган айрим маҳсулот турларининг нархи ва ҳажмлари пасайиши орқали иқтисодиётимизга салбий таъсир ўтказмоқда. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан экспорт қилувчи корхоналарнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омилларни яратиш мақсадида мазкур корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар ажратиш, вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш мўлжалланмоқда. Бу эса ташкилотларнинг келгусида самарали фаолият юритишини таъминлаши шубҳасиз.

Саидолим СУЛТОНОВ,
Яккасарой тумани ДСИ инспектори.

ЗАБОН ВА ДУНЁ

инсониятнинг муомала воситаси бўлмиш тиллар сони тобора камайиб бормоқда

Олимлар ҳозирга қадар инсоният сўзлашиш қобилиятига қачон ва қандай эришгани ҳақида баҳс-мунозаралар олиб боради. Хўш, биз излаётган бобо тил нимадан бошланган? Ёки яқин келажакда ҳамма тушунадиган ягона забон пайдо бўлиши қанчалик ҳақиқатга яқин?

Дунёга машҳур қадимги Бобил минораси қурилиши тарихидан шундай ривоят қолган: «Хоҳиш-истаклари чегара билмас инсоният бутун ер юзида номи маълум ва машҳур бўлиши учун осмону фалакка етадиган улкан минора қуришга киришибди. Аммо Парвардигор бандаларининг бундай ҳаракатидан норози бўлиб, иншоотнинг охиригача битмаслиги учун турли хил тилларни яратиб, инсонларни бир-бирини тушунмайдиган қилиб қўйибди...". Одатда, тилларнинг пайдо бўлиши ҳақида гап кетганда, ана шу ривоят ёдга олинади.

Инсоният ҳеч қачон бир ерда муқим яшай олмаган. Дастлабки кўп елканли кемаларнинг пайдо бўлиши ва денгизорти бойликларига бўлган қизиқиш натижасида буюк географик кашфиётларга қўл урилди. Англия, Испания, Португалиянинг янги-янги ерларни босиб олиши натижасида ўша ҳудудларда инглиз, испан ва португал тиллари кенг тарқалган. Бугунги кунга келиб сайёрамизда 2500 дан 7000 тагача тил мавжуд, дея тахмин қилинади. Гарчи бу рақамлар аниқ бўлмаса-да, тахминан шундай. Негаки, тилларни таснифлашнинг ягона усули мавжуд эмас. Бу борада генеологик таснифлаш анча кенг тарқалган. Яъни, бунда тилларнинг тарихий қариндошчилик алоқалари ҳисобга олинади. Аниқроғи, улар битта манбадан пайдо бўлган. Бунга кўра, тиллар оила-оилага бўлинади, гуруҳ-гуруҳга ажратилади.

АҚШлик олимларнинг фикрича, инсоният томонидан изланган бобо тил «чертишдан» бошланган. Мутахассислар Танзанияда яшовчи бир неча қабилаларни ўрганиш натижасида шундай хулосага келишган. Маълум бўлишича, мазкур қабилада чертиш, айқот қилишга тайёр эмас. Аммо барча асрларда уни яратишга ҳаракат қилиб келинган. Жуда кўп бадиий асарлар таржима қилинган эсперантони эслаб кўрайлик. Ўрганиш нисбатан осонлигига қарамай, ҳарфлар ва кераксиз грамматик қоидалар унинг барча миллат ва элатлар тушунадиган "ягона тил" бўлишига имкон бермади.

Бугунги кунда еттита "жаҳон тили" мавжуд бўлиб, улар инглиз, испан, араб, рус, француз, олмон ҳамда португал тилларидир. "Жаҳон тили" деб тан олинишининг сабаби бу тилларда жуда кўп аҳоли сўзлашишидир. Тўғри, хитой, ҳинд ва урду тиллари ҳам дунёнинг асосий тиллари сирасига киради, аммо халқаро миқёсда у қадар машҳур эмас.

> ◈ *Испанияда бўлиб ўтган халқаро конгрессда дунё халқларининг 2976 тилда сўзлашиши эътироф этилди.*
>
> ◈ *Ҳар бир ёзувчи — шоир, умуман қалам аҳлининг асарларида сўзларнинг таъсирли чиқиши муаллифлар сўз бойлигининг кўплиги билан белгиланади. Жумладан, Александр Пушкин 21197, Шекспир 20000, Сервантес 18000, улуғ бобомиз Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 666 та сўз, шу жумладан, 26000 бетакрор иборалар ишлатган.*
>
> ◈ *Инглиз, рус ва хитой тилларида дунё аҳолисининг 80 фоизи мулоқот олиб боради.*

Тиллар	Сўзлашувчилар миқдори
Хитой	1.200.000.000
Инглиз	555.000.000
Испан	440.000.000
Рус	300.000.000
Араб	270.000.000
Бенгал	220.000.000
Португал	200.000.000
Француз	130.000.000

Дарвоқе, ҳозирги кунда кўпчилик мутахассис олимлар яна юз йилдан сўнг ҳозирги 7000 мингдан ортиқ тилларнинг қарийб 60 фоизи йўқолиб кетишидан хавотирда. Уларнинг фикрича, инсоният ҳар ҳафтада ўртача битта тилни йўқотмоқда, ҳар йили эса бу кўрсаткич 40-50 тани ташкил этмоқда. Тилнинг сақланиб қолиши учун ўша тилда камида 100 минг киши гаплашиши керак бўлади. Бироқ бугунги кунда аксарият тилларда жуда кам киши сўзлашмоқда. Боз устига, уларнинг кўпчилиги кекса кишилар эканлиги тилларнинг йўқолиб кетишига олиб келаётир. Бундай фавқулотда баёнот бериқса, жамоавий ов пайтида нафақат сигнал вазифасини бажаради, балки бу ўзларининг «сўзлари»дир. Германиялик мутахассислар эса аждодларимиз қушларга тақлид қилишганини айтишади. Уларнинг таъкидлашларича, қушларнинг тили одамларникидек «икки табақали»: у асосан сигнал ва «қўшиқ»лардан ташкил топган, унда оҳанг, жозиба, маром бор.



Келгусида ҳамма биладиган сунъий тиллар пайдо бўладими, деган саволга швециялик генетик олим Грендол Раймон шундай жавоб беради:

— Дунё ҳозир ҳамма тушунадиган умумий тилда мулоқот қилишга тайёр эмас. Аммо барча асрларда уни яратишга ҳаракат қилиб келинган. Жуда кўп бадиий асарлар таржима қилинган эсперантони эслаб кўрайлик. Ўрганиш нисбатан осонлигига қарамай, ҳарфлар ва кераксиз грамматик қоидалар унинг барча миллат ва элатлар тушунадиган "ягона тил" бўлишига имкон бермади.

Бугунги кунда еттита "жаҳон тили" мавжуд бўлиб, улар инглиз, испан, араб, рус, француз, олмон ҳамда португал тилларидир. "Жаҳон тили" деб тан олинишининг сабаби бу тилларда жуда кўп аҳоли сўзлашишидир. Тўғри, хитой, ҳинд ва урду тиллари ҳам дунёнинг асосий тиллари сирасига киради, аммо халқаро миқёсда тил сари бораётганини англатаётгандек. Агар вазият шу тарзда давом этса, инсоният яна 100-200 йилдан сўнг мимика ва имо-ишоралар билан гаплаша бошлайди ёки сўзлашув қобилиятини йўқотиши ҳам ҳеч гап эмас.

Тилларнинг йўқолиб бораётганига, бугунги шиддатли глобализация шароити ҳам сабаб бўлмоқда. Умумлашиш, бирикиш даврида тилларнинг ранг-баранглигини сақлаб қолишнинг имкониятлари жуда паст даражада бўлади. Табиий жараён — миграция ҳам тиллар сонининг камайишига хизмат қилади. Бир жойдан бошқа жойга кўчиб ўтган одамлар ўз тилларини янги ҳудудга олиб ўтишади ёки ўзлари ўша ҳудуд тилига мослашадилар.

Шу ўринда ўзбек тили қанча умр кўради, деган савол туғилади. Мутахассислар эса бу саволга жавобан тилимиз йилдан-йилга бойиб, мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлашмоқда.

— Мамлакатимизда 1989 йилда «Ўзбек тили давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилингани бежиз эмас, — дейди биз билан суҳбатда Низомий номидаги ТДПУ "Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси" кафедраси ўқитувчиси Комилжон Дўсанов. — Бу, аввало, миллатнинг азалий қадрият ва анъаналарини сақлаб қолиш, бир сўз билан айтганда, ўзбекнинг ўзига хослигини муносиб асраб қолишдан иборат эди. Ва бунга эришдик ҳам. Ўтган йиллар давомида соҳада амалга оширилган ўзгаришларга назар солиб, тилимизнинг йўқолаётгани ҳақида эмас, аксинча ривожланаётгани тўғрисида гапирсак тўғрироқ бўлади.

Тинимсиз олдинга интилаётган инсоният ҳар доим ўзи учун нисбатан осон ва қулай йўлларни танлаб келган. Муомала қилиш, ўқиб-ишлаш, бир сўз билан айтганда, яшаш шароитида гаплашиш жуда муҳим. Шу жиҳатдан сайёрамизда аҳоли сони тобора кўпайиб, тараққиёт сари дадил юз тутаётган бир пайтда дунё тилларининг бутунлай йўқолиб кетиши мумкин эмас.

Беҳбуд БОТИРОВ.

◈ 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

Баҳор ўлкамизнинг турфа сарҳадлари каби Қоракўл туманига ҳам тўкинсочин ёмғирлар, қут-барака келтирди. Айниқса, даштликларда жойлашган қишлоқлар таровати бугун ўзгача. Одамлар Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг янги-янги саъй-ҳаракатлари билан банд. Замонавий коллеж ва мактаблар, банклар, врачлик пунктлари, савдо ва сервис шохобчалари туман марказидан тортиб, олис қишлоқларгача ободлик бағишлаб турибди.

Туманда аҳоли манфаатларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва эртанги кун эгалари – ёшлар учун яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, ҳавасингиз келади. Хусусан, ёшларда меҳнатга меҳр уйғотиш ва касб-ҳунар эгалари бўлиб улғайишлари учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда туманда саноат, транспорт, тиббиёт, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ўнлаб коллежлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ёшлар нафақат касб-ҳунар ўрганишмоқда, балки ўзларида одобу ахлоқ, маъанавият, санъат ва яна кўплаб эзгу хислатларни ҳам юксалтирмоқдалар. Дарғали ва Қувача қишлоқларида эса яна иккита – нефть ва газ ҳамда педагогика коллежлари жадал қад ростлаётир.

– Фарзандларимизни илмли, ҳунарли, юксак одоб-ахлоқ эгалари қилиб тарбиялаш бош мақсадимиздир, – дейди "192-ХКМК МЧЖ" қурилиш корхонаси раҳбари Толмас Рўзиев. – Шунинг учун қурувчиларимиз болаларга муносиб туҳфа тайёрлаш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Замонавий ва шинам коллежлар қуриш билан бирга, кўплаб янги иш ўринлари яратишга ҳам бел боғлаганмиз. Чунки коллежлар фақат касб-ҳунар ўргатувчи маскангина бўлиб қолмай, ёшлар билан ҳар томонлама шуғулланувчи, уларни йўлга йўлловчи даргоҳ ҳамдир.

Дарвоқе, туман коллежларида асосий эътибор ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштириш, ёшларнинг пухта билим олишлари ва, пировардида, уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишларига қаратилган. Бу борада Мардон Алтиев раҳбарлигидаги Саноат ва транспорт коллежи фаолияти вилоят касб-ҳунар масканлари орасида, айниқса, ибратлидир. Шунингдек, тиббиёт коллежини битирган ёшларнинг тиббий малакалари бугунги кунда олис қишлоқларда, қолаверса, ўз оилалари, яқинлари орасида катта наф келтираётганини кўпчилик эътироф этмоқда.

Ишга туширилганига саноқли ойлар бўлишига қарамай, фаолияти изга тушиб, туман аҳли эътиборини тортаётган қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи педагогик жамоасининг саъй-ҳаракатлари ҳам диққатга сазовор.

– Ёшларга деҳқончилик, агротехника, уруғчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари сир-асрорларини ўргатиш билан бирга ердан олинадиган даромаднинг салмоғини кўпайтириш йўллари ҳақида амалий тадбирлар ўтказаяпмиз, – дея ҳикоя қилади коллеж директори Ҳасан Ғаффоров. – Бу эса, қўшимча маблағ топиш имконини бермоқда.

Дунёнинг мана-ман деган давлатлари, йирик концерну банклари инқирозга юз тутиб, мураккаб муаммоларга рўбарў бўлаётган бир пайтда мамлакатимизнинг марказдан олис бир туманида эртанги кунга мустаҳкам пойдевор қўйилаётгани, ёшлар замонавий техникаларга бой, шинам ва кўркам даргоҳларда илм-ҳунар ўрганаётгани, қишлоқларда кенг, равон йўллар қурилаётгани, далаларга уруғ қадалиб, ҳаёт жўшқин давом этаётгани – буларнинг ҳаммаси Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили одимлари бўлиб, эртанги кун ишончи ҳамдир.

Бахтиёр ТЕМУР,
"Adolat" мухбири.

Хусусий тадбиркор Равшан Мирзаев раҳбарлик қилаётган пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги "Наврўз" ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида юқори самарага эришмоқда. Бунга корхонани Европа давлатларидан келтирилган замонавий техник-ускуналар билан жиҳозлаш асосий омил бўлди. Бу ерда бугунги кунда 40 турга яқин гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

◈ Огоҳлик

ОДАМЛАРНИ ҚУЛЛИККА БОШЛАГАН

ҳеч бир кимса жазосиз қолмайди

Одам савдоси – инсоннинг юксак эъзозга лойиқ Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳамда шахсий дахлсизлигига таҳдид солувчи жамиятдаги энг қабиҳ иллатлардан биридир. Таассуфки, бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичида дунё бўйича ўсиш ҳолати кузатилмоқда. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда ҳозир ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар киши одам савдоси қурбонига айланмоқда.

Ўтган йили бизнинг республикамизда ҳам 2 мингга яқин шахс одам савдоси билан боғлиқ жиноятлардан жабр кўришди. Ҳукуматимиз ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда фаол жамоатчилик саъй-ҳаракати билан бундай жиноятга қарши олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, амалга оширилаётган тезкор чора-тадбирлар яхши самара бермоқда. Одамларни қулликка бошлаётган кимсаларнинг қабиҳ жиноятлари фош этилмоқда.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани прокуратураси ходимлари ҳам бу борада қатор ибратли ишлар бошлаганлигини алоҳида қайд этмоқ жоиз. Ўтган йил 651 та қонунчилик тарғиботи тадбирлари ўтказилиб, шундан 10 таси одам савдосига қарши кураш ташвиқоти бўлди. Ноябрь ойида тумандаги 10 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўзида "Ўзлигингни унутма" шиори остида одам савдосига қарши кураш, терроризм, диний экстремизм, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш каби салбий иллатларга қарши мулоқот уюштирилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 193 та шундай тадбирлардан ҳам 3 таси одам савдосининг салбий иллатлари, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жиноят эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида назарда тутилган жиноий жавобгарлик ҳолатлари каби масалаларга бағишланди. Уларда туман прокурори Х.Қўлдошев тумандаги "Нўғойқўрғон", катта терговчи Б.Юсупов "Домбиробод" маҳаллаларида, прокурорнинг катта ёрдамчиси Б.Қосимов "Чилонзор буюм бозори" тадбиркорлари ўртасида одам савдосига қарши кураш – энг долзарб масала эканлиги тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бордилар. Натижада 2009 йилнинг дастлабки уч ойида туман ҳудудида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 663 тадан 625 тага (5,7 фоизга) камайиши кузатилди.

Биргина мисол: шу йил 20 январ куни жиноят ишлари бўйича туман суди биносида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 2-қисми "б,д,е,з,и" бандлари бўйича фуқаро Қаюм Ортиқовнинг одам савдоси билан боғлиқ жиноий иши кўриб чиқилди. У тумандаги "Vesta Lemax" хусусий корхонаси директори Екатерина Иноземцова ва унинг қизи шу корхона директори ўринбосари Лина Иноземцова билан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ (ўн нафардан зиёд) фуқароларнинг катта миқдордаги пулларини олиб, Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасидаги кафель заводига ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қилган. Бироқ, алданган фуқаролар жиноятчиларнинг Краснодардаги гумашталари томонидан совуққина кутиб олиниб, ўлканинг олис бир кимсасиз қишлоғидаги гишт заводига (кафель заводига эмас!) жойлаштирилади. Паспортлари олиб қўйилади. Кунига 12-14 соатлаб оғир меҳнат жараёнида ишлаган ва "ит ётишу мирза туриш" шароитида яшаган бечоралар уч ойдан сўнг икки ойлик иш ҳақларини ҳам ололмасдан зўрға юртга қайтишга мажбур бўлишган.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига кўра жиноятчиларга тегишли жазолар белгилади.

Жиноят жазосиз қолмайди, деганларидек, одамларни қулликка бошлаган кимсалар ҳам жазосиз қолмайди.

Мирза ҚАҲҲОРОВ,
Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокурори ўринбосари.

Миробод тумани халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги 154-мактабнинг 9-синф битирувчилари азим Самарқандга саёҳат қилди. Ўқувчилар саёҳат давомида ал-Бухорий мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуаси ва бошқа бир қанча тарихий обидаларни зиёрат қилишди.

ЎҚУВЧИЛАР САЁҲАТДА

Шуниси эътиборга моликки, ўқувчилар тарихий обидаларнинг қурилиш тарихи, бундан неча-неча асрлар илгари ота-боболаримизнинг амалга оширган улкан бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиш билан бирга самарқандлик тенгдошлари билан дўстлашишди.

– Мактаб ўқувчиларини мана шундай саёҳатларини тез-тез уюштириб туриш керак экан, – дейди ўқувчиларга раҳбарлик қилиб борган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ҳамидахон Қўчқорова. – Негаки, ўқувчилар бундай саёҳат ва сафарларда Ватанимиз тарихини фақатгина назарий томондан ўрганмасдан ота-боболаримиз бундан кўп асрлар олдин ҳам буюк бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини олиб борганлигининг гувоҳи бўлишмоқда.

Олим ҲАКИМОВ,
«Adolat» мухбири.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

ҲУНАРЛИ ЁШЛАР КЎПАЙМОҚДА

Ҳар бир мактаб, лицей ёки коллеж ўқувчилари орасида ўзига яраша тўполончилари, мунтазам машғулотларда қатнашмайдиганлари, тўгараклардан қочадиганлари, ўқитувчининг талабларига бўйин эгмайдиганлари бўлади. Улар билан алоҳида ишлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага етказиш нафақат билим маскани фидойиларининг, балки ота-оналарнинг ҳам зиммасига катта масъулият юклайди. Бирор томон ўз бурчига панжа орасидан қараса, ўсмирнинг ўқишга бўлган қизиқиши сусайиши мумкин.

– Илгари педагогика йўналишига ихтисослаштирилган ўрта махсус илм даргоҳлари фақат шаҳарларда мавжуд эди. Истиқлолимиз шарофати, қолаверса, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан бундай коллежлар эндиликда қишлоқларимизда ҳам фаолият юритаяпти, - дейди Навбаҳор педагогика коллежи директори Муҳаббат Ражабова. – Бу авваламбор ота-оналар учун қулайлик эмасми?! Фарзандига фалон сўм пул бериб, шаҳарга ўқишга жўнатгандан кўра, шундоққина қўшни қишлоқда ўқитса, иқтисодий жиҳатдан қанча фойда кўради. Баъзан шундай имкониятдан унумли фойдаланиш ўрнига жигарбандининг келажагига бепарво ота-оналарни кўриб, ажабланасан киши.

Дарҳақиқат, ҳозирги пайтда чекка қишлоқ ва овулларимизда ҳам қад ростлаётган замонавий кўринишдаги, энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган мактаб ва касб-ҳунар коллежлари ҳар жиҳатдан шаҳардагилардан асло қолишмайди. Ўқиш-ўқитиш ўртасида ҳам умуман фарқ йўқ. Қолаверса, ҳар бир битирувчи ишга жойлаштирилаяпти.

– Коллежимиз ўтган йили мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилди, – дейди Ўзбекистон туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежи директори Рустамжон Холматов. – Қишлоқ ёшлари учун зарур касбларнинг энг саралари бизда мавжуд. Масалан, бухгалтерия ҳисоби дейсизми, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини консервалаш ёки ишлов бериш, компьютер жиҳозларига хизмат кўрсатиш йўналишлари, қўйингки, халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассислик сир-синоатларини талабалар қунт билан ўрганишмоқда. Бундан ташқари мамлакатимизда камдан-кам учрайдиган йўналиш – асаларичилик мутахассислари тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Биласизми, саховатли заминимизда етиштирилаётган сархил мевалар асосан ўз ҳолича хориж мамлакатларига жўнатилаяпти. Бироқ мева-савзавотларни қуритиб, қадоқлаб, тайёр ҳолда четга экспорт қилишга нима етсин. Ахир бу, мўмай даромад манбаи эмасми?! Шунинг учун коллежимизда шунга мослашган мутахассислар тайёрлашни жорий этдик. Айни пайтда болаларга узум, зира, укроп, кашнич ва бошқа неъматларни қайта ишлаб, сифатли маҳсулотга айлантириш сирларини ўргатаяпмиз. Илгари бундай илм масканлари бўлмаган. Асаларичилик, дурадгорлик, ветеринария, яъни асаларини даволашни илгари Москвада ўқиб-ўрганиб келишарди. Энди эса, фарзандларимизни шу ернинг ўзида ноёб мутахассисликларга ўқитаяпмиз. Шунинг ўзи катта бахт эмасми?!

МУҚАДДАС БУРЧ

Ватанни севиш, эъзозлаш, унга садоқат билан хизмат қилиш она заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Инсон – ўз ота-онасини, маҳалласини севишгина эмас, аввало ўзини, қолаверса, касбини ҳам ардоқлаши, юртига виждонан хизмат қилиши, одамийлик бурчини унутмаслиги зарур. Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман, қабилида ишлайдиган кишиларни ватанпарвар деб бўлмайди. Ватанга бўлган муҳаббат барча туйғулардан устун.

– Биз қайси соҳа ёки тармоқда қандай лавозимда ишламайлик, бажараётган ишимизда унумдорликка, ижобий самарадорликка эришмасак, ўзгаларга ўрнак бўлиб, ортимиздан эргаштиролмасак, Ватан фарзанди деган номга лойиқ бўлолмаймиз, – дейди Қўқон маиший хизмат касб-ҳунар коллежи раҳбари Саломатхон Абдуллаева. – Биласизки, ҳар бир жамоада, ўқув масканида ортда юрувчилар, ўзгаларга кўмагига муҳтожлар бўлади. Бу табиий ҳол. Илғорлар уларни ўз сафларига қўшиши керак, ана шунда уларни ватанпарвар дейиш ярашади. Булар аввало ота-оналар, маҳалла фаоллари, қолаверса, билим юртидаги педагог ва раҳбарлардир. Деярли ҳар ҳафтада ҳокимият, прокуратура, ички ишлар ходимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари коллежимизда талабалар билан учрашувлар ўтказишади.

Қўқон маиший хизмат касб-ҳунар коллежида мамлакатимизда оммалаштиришга арзийдиган тажриба йўлга қўйилди. Гап шундаки, директор С.Абдуллаеванинг ташаббуси билан билим юрти хотин-қизлар қўмитаси қошида "Ўғлим, сенга айтаман" ўсмир йигитларни мустақил ҳаётга тайёрлаш клуби ташкил этилди. Хайрли иш уч ойдан сўнг ижобий самарасини берди. Болаларда ўқишга, ҳаётга бўлган қизиқиш, интилиш яна орта бошлади. Аълочилар сафи янада кенгайди.

– Коллежимизда ўзлаштириши паст, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ўсмирлардан йигирма нафарини шу клубга аъзо қилиб, машғулотларни бошладик, – дейди директор. – Клубда болалар ўз оиласидаги бурчи, дўст танлаш одоби, ўртоқлари орасида ўзини тута билиши, катта ёшдагилар билан қандай муносабатда бўлиш, куёв бўлиш илми, рўзғорни бошқариш, аёлига нисбатан меҳр ва муносабати (муҳаббат, рашк, гумон, орият, ишонч ҳақида), ота бўлиш шартлари, оға-иничилик, меҳмон кутиш, меҳмондорчилик одоби, ҳунар эгаллаш ва илм олиш афзалликлари хусусида кенг қамровли машғулотлар эркин фикрлаш орқали йўлга қўйилди. Машғулотларни шахсан ўзим олиб бораяпман. Болаларни эркин гапиришга ўргатаман. Ҳар жума куни ўтадиган учрашувимизга ибратли оила бошлиқларини, қайнота-қайноналарни, янги оила соҳибларини, таниқли ҳунар усталарини таклиф этиб, мавзуга доир фильмларни намойиш этамиз. Ишонасизми, йигирма нафар клуб аъзоларининг аксариятида ўзгариш тезда кўзга ташланди. Улар тоза кийинишга, дарс ва тўгаракларга мунтазам қатнашишга ҳаракат қилишмоқда.

Мақсуд АКРАМОВ,
«Adolat» мухбири.

ГУЛИСТОН – ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ МЕЗБОНИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан асос солинган уч босқичли спорт мусобақалари мамлакатимизда баркамол ва соғлом авлодни вояга етказишда муҳим тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу спорт тизимининг дастлабки бўғини саналган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» мусобақаларига бу йил Гулистон шаҳри мезбонлик қилади.

Айни пайтда Сирдарё вилоятида ўзига хос ёшлик ва спорт байрами номини олган мазкур нуфузли баҳсларга пухта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ҳозиргача «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг туман ва вилоят босқичлари зўр муваффақият билан ўтказиб бўлинди. Мусобақанинг дастлабки босқичларида юртимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 650 минг нафарга яқин ўғил-қиз финал босқичига бериладиган йўлланма учун кураш олиб борди.

— Вилоятимизда ўтадиган «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг финал босқичида юртимизнинг турли ҳудудларидан саралланган энг чаққон ва энг кучли 1792 нафар ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро баҳс юритади, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилоят филиали ижрочи директори Норбобо Соатов. — Шу кунларда юртимиз ёшларининг ушбу тадбирини юксак савияда ташкил этиш учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Спорт мусобақалари ўтказиладиган иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, иштирокчиларни кутиб олиш, жойлаштириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари Гулистон шаҳридаги «Марказий» стадионда ўтказилади. Айни вақтда бу ерда охирги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Илгари ўн минг томошабинга мўлжалланган бу стадион бугун таниб бўлмайдиган даражада қайта қурилди. Эндиликда бу иншоот ўз бағрига йигирма минг томошабинни сиғдира олади. Мазкур спорт мажмуидан бир неча спорт турлари бўйича машғулот ва мусобақалар ўтказиш заллари ҳам ўрин олган. Мазкур спорт иншоотида бош пудратчи — Янгиер шаҳридаги «Электромонтаж» механизациялашган кўчма жамланмаси мутахассислари бунёдкорлик ишларини амалга оширдилар.

«Ўзбекнефтгазтранс» ташкилотининг саъй-ҳаракати туфайли қайта чирой очган «Алпомиш» спорт мажмуаси, у ердаги теннис корти, бадиий гимнастика баҳслари ўтказиладиган ёпиқ арена ҳам тўлиқ шай ҳолга келтирилди.

Тўрт минг нафардан зиёд талаба таҳсил олаётган Гулистон давлат университетининг йўлак, боғ ва гулзорларни ўз ичига олган 162820 кв.м. ҳудуди ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари режасига киритилиб, айни пайтгача ўн олти мингдан ортиқ арча, мевали ва манзаралі дарахт, гул кўчатлари экилди.

— Мамлакатимиз ўғил-қизларининг ўзига хос «Кичик олимпиадаси»нинг вилоятимизда ўтказилаётганлигидан беҳад мамнунмиз, — дейди Сирдарё шаҳридаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нигора Аҳмедова. — Мусобақалар арафасида вилоятимиз туман ва шаҳарларида янгидан янги замонавий спорт иншоотлари барпо этилди. Бугунги яратилаётган шарт-шароитлар келажакда сирдарёлик ўғил-қизларнинг ҳам таниқли спортчилар бўлиб етишишлари, энг муҳими, соғлом ва баркамол улғайишлари учун хизмат қилади.

Куни кеча Гулистонда «Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг жамоавий турлар бўйича ўтадиган баҳсларига қурра ташланди. Унда футбол, қўл тўпи, баскетбол, волейбол сингари турлар бўйича илк босқичда ўзаро рақиб бўладиган жамоалар аниқланди.

Қурра ташлаш маросимидан аввал Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар вакиллари Гулистон шаҳрида ёшлик ва спорт байрамига кўрилаётган тайёргарлик, янгидан барпо этилган иншоотлар, қайтадан кўркига кўрк қўшилган обьектлар билан яқиндан танишдилар.

Муҳаббат БОБОНАЗАРОВА.

▽ Яхшилар ёди

ЁШЛАРГА ҒАМХЎР ЭДИ



Болалигимдан адабиётга ихлосим баланд бўлганлиги сабабли ёзувчиларнинг ижодий фаолиятига бағишланган дафтар тутишни одат қилиб юраман. Бу ҳаётий тасодифми, билмадим, кўплаб улуғ инсонлар баҳор фаслида дунёга келган экан.

Муҳаммад Юсуф ҳам айни баҳор кунларининг бирида, 26 апрелда Андижон вилоятининг Қорақўрғон қишлоғида туғилган. Агар ҳаёт бўлганида у 55 ёшга тўларди. Афсус, бешафқат ўлим уни айни ижоди гуллаган паллада орамиздан олиб кетди. Аммо шоир ўзининг ҳақгўй шеърлари, дилнавоз қўшиқлари билан юртдошларимиз юрагида абадий муҳрланиб қолди.

Шоир билан илк бор 1995 йилнинг 21 июн куни Тошкентда учрашиб, танишганман. Ўшанда укам Қодиржоннинг тўйига санъаткор излаб боргандим. Бахтни қарангки, ҳамқишлоғим Тўхтамурод ака мени Муҳаммад Юсуф билан таништираркан:

– Санъаткор топиш ҳам муаммо бўлибдими. Мана, Муҳаммад аканг сенга зўр санъаткор топиб беради, – деб қолди.

– Албатта, топиб бераман. Мени санъаткор укаларим жуда кўп. Уларга айтсам, ҳеч йўқ демайди, – дея тасдиқлади шоир.

Бу гапдан кўнглим тоғдек кўтарилиб, хурсанд бўлиб кетдим.

Муҳаммад ака қоғозга нималарнидир ёзди-да, менга узатди.

– Укам, мана шу хат билан Маҳмуджонга учрашгин. Агар у Кавардонга тўйга борса, мен ҳам албатта бораман, – дея қўшиб қўйди.

Мен ташқарига чиқиб, хатни очиб ўқидим: "Укам Маҳмуджон, Латифжонни мен юбордим. Агар вақтинг бўлса, Кавардонга бориб, бир хизмат қилиб берсанг. Мен ҳам меҳмонга борардим. Муҳаммад Юсуф. 21.06.95 йил".

Хатни Муҳаммад ака "Сурхон" гуруҳи хушовоз хонандаси Маҳмуд Номозовга ёзган бўлиб, унинг орқасида манзили ҳам кўрсатилганди. Ўша куни Маҳмуд Номозовнинг ТТЗдаги квартирасига кириб борганимда, туш вақти эди. Уй қўнғироғини чалганимда, эшикни унинг онаси очди. Саломалик қилгач, мени Муҳаммад Юсуф юборганлигини тушунтирдим.

– Ҳа, бўлди, тушундим, ўғлим. Шоир Муҳаммад Юсуф юборган бўлса, Маҳмуджон ўғлим йўқ демайди. Фақат ўғлимни анча кутишингизга тўғри келади. Бугун келинимнинг кўзи ёриган. Маҳмуджон саҳарлаб туғруқхонага кетганди, – деди онахон...

Эртаси куни ишга келганимда хонамдаги телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим.

– Алло, менга Латифжон керак эди, – деган овоз эшитилди. Ўзимни таништирдим.

– Ука, яхшимисиз? Мен Маҳмуджонман. Кеча анча куттириб қўйибман, узр энди. Муҳаммад ака кечқурун телефонда менга ҳаммасини тушунтирди. Мен Кавардонга боришга розиман. Фақат қишлоғингизга борадиган йўлни яхшилаб тушунтириб юборсангиз, бас.

– Маҳмуджон ака, рози бўлганингиз учун катта раҳмат! Лекин уйдагилар мен келгунча қишлоғимиздаги ансамбль билан келишиб қўйишибди. Албатта кейинги тўйларда таклиф қиламан, – дея узримни айтдим.

– Майли бўлмаса, ука, келгуси тўйларда ҳеч тортинмай айтаверинг. Мен доим тайёрман! – деди Маҳмуджон ака.

Кейинчалик Муҳаммад Юсуф билан 1998 йилнинг август ойида Зоминдаги "Ўриклисой" оромгоҳида ёш ижодкорларнинг анъанавий анжуманида учрашдик. Бу анжуманда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 50 дан ортиқ ижодкорлар иштирок этишган. Анжуманда халқимизнинг ардоқли шоири ва ёзувчилари Абдулла Орипов, Примқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Шарифа Салимова, Йўлдош Сулаймон, Абдували Қутбиддин, Иқбол Мирзо, Сафтер Нагаев, Мурод Абдуллаевлар иштирок этишиб, ёшларнинг асарларини муҳокама қилишганди. Ўшанда менинг "Устозлар хотираси", "Жаннат боболарим" тўпламларим мухлислар қўлига етиб борганди.

– Зомин анжуманида сен Тошкентга қайтасан, тўғрими? – деди Муҳаммад ака.

– Ҳа, албатта, мен пойтахт вилоятидан келганман, – дедим.

– Ундай бўлса, мана бу нон ва мевалардан сумкангга солиб олгин. Сизлар кетадиган автобусда Пиримқул ака, Ҳалима опа, Шарифа Салимова, Сафтер Нагаевлар бирга қайтишади. Уларни Тошкентга етиб боргунча меҳмон қилиб боргин. Йўл анча узоқ, – деди-да, катта сумкани ноз-неъматларга тўлдириб берди.

Устоз шоир ва камтарин инсон Муҳаммад Юсуф билан гоҳо Тошкентга тушганимда таҳририятларда учрашиб қолардим. Унинг янги китоби чоп этилса ёки газета-журналларда шеъри босилиб чиқса, яйраб-яйраб ўқирдим.

Муҳаммад Юсуф ҳеч кимга озори тегмаган оддийгина инсон, ҳассос шоир эди. Шу боис у ўзининг шеърлари билан халқимиз қалбида бир умрга муҳрланиб қолди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

▽ Спорт

Пойтахт вилоятининг Тошкент туманида навқирон авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаётир. Айниқса, уларнинг жисмонан бакувват бўлиб вояга етишишлари учун барча қулайликлар яратилмоқда. Куни кеча Дархон қўрғонида туман коллежлари ўртасида ўтказилган "Саломатлик куни" 7-анъанавий спартакиадаси бунга яққол бир мисол.

"САЛОМАТЛИК КУНИ" СПАРТАКИАДАСИ

Спартакиада тантанали равишда очилди. Машъалани Қирғизистонда ўтказилган спортнинг тай-боксинг тури бўйича иккинчи ўрин соҳиби, уч карра Тошкент шаҳар чемпиони Дониёр Илҳомов ёқди. Сўнг Ўзбекистон давлат мадҳияси остида каратэ бўйича Нью-Йоркда ўтказилган Жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори бўлган Гулчеҳра Эргашева бошчилигида мусобақа иштирокчилари майдонга кириб келди.

Қизғин баҳсларга бой бўлган спартакиадада "Энг яхши спортчи", "Энг яхши спорт формаси", "Арқон тортиш", "Ядро ирғитиш", "Узунликка сакраш", "Югуриш", "Тош кўтариш", "Гимнастика машқларини бажариш", "Эстафетали югуриш" каби йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди. Ғолибларга махсус дипломлар топширилди. Шунингдек, янги спорт формалари ва эсдалик совғалари ҳам тақдим этилди.

Марям АҲМЕДОВА.

◈ Биз билган ва билмаган тарих

ҚИРҚҚИЗ ҚАЛЪАСИ ЁДГОРЛИГИ

Қирққиз қалъаси — IX-X асрларга оид Сурхондарё вилоятидаги меъморий обида. Унинг қурилишига оид асл тарихий маълумотлар сақланмаган. Бироқ илк ўрта асрда бойларнинг шаҳар ташқарисидаги қўрғон саройи бўлган, деб тахмин қилиш мумкин.

Қалъадаги чортоқ (53,8х54,8 м) хоналар атрофида хочсимон тарҳли йўлаклар жойлашган. Бинонинг тўрт томонидаги равоқ айвонли дарвозалардан ўтиб, йўлаклар ўртасидаги катта чортоқ тарҳли ҳовлида (11,5х11,5 м) бирлашган. Айвон ва йўлаклар бинони тенг тўрт қисмга ажратади. Бир хил кўринишдаги беш хонага ташқи девор томондан кирилган. Хона дарчалари йўлак дарчаси рўпарасига ўрнатилган, улар дарчадан тушган ёруғлик билан ёритилган. Бинонинг қолган икки қисми бир-бирига ўхшамайди, ҳар хил шакл ва ўлчамларда. Хоналар бир қаватли, даҳлизлар икки қаватга ўхшатиб ишланган, умумий баландлиги бир хил. Хоналарнинг тепаси асосан равоқлар, баъзи хоналарнинг тепалари қуббалар ёрдамида беркитилган. Битта хона тепаси 8 қиррали асосга ўрнатилган қуббанинг ярми сақланган. Бинони қалъанинг тўрт бурчагидан 4 та минорабурж безаб турган. Қалъа хом ғиштдан, равоқлари эса пишиқ ғиштдан бино этилган.

Оғзаки маълумотларда, халқ достонларида зикр этилганидек, душман ҳужумини қайтара олган қаҳрамон қиз Гулойим ва унинг қирқ дугонаси айнан шу ерда яшаган. Юсуф Ҳаёт-ибн Шакар Ат-Термизийнинг "Ривоятул вилоят" асарида эса: "Ҳаким Термизийнинг оналари – Умму Гулсум ва унинг дугонаси Бинни-Танзиланинг айтишича, отам ибн-Вароқ Ат-Термизий ва ҳаётимнинг сурури – умр йўлдошим Ибн-Ҳошимийнинг падари бузрукворлари менга бу қалъани инъом этганлар. Ундан сўнг мен бу қалъага қиркдан ошиқ қизларни жамлаб, ҳар биридан қирқ имтиҳон олиб, илмий-бефанда (бичиш-тикиш, отда юриш) каби қирқта илм ўргатдим. Фарзандим Ҳурайдо ва жияним (акамнинг қизи) Руҳайдога ўз қизимни омонат топширдим. Унга шу қалъа ва илмимни ҳам охиратгача ўлмас илм бўлишини таъминлашни буюрдим", деган маълумотлар бор.

X асрга келиб Руҳайдо ва Ҳурайдолар бу жойни аввал мактаб, сўнг мадраса, кейинчалик аёллар академиясига айлантиришган. X-XI асрда ҳам бу ерда илмий академия иш юритади. Шуни айтиш керакки, бу ерда илм олган қизлар дунёнинг қирқ мамлакатидан келтирилган эди.

Ҳанифа БЕГИЖАНОВА,
Сурхондарё вилояти ПКҚТМОИнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори.

БИРИ ДАРВОЗАБОН, ТРАМВАЙЧИ

- Машҳур француз актрисаси Сара Бернар Жульетта ролини 70 ёшида ўйнаган.
- *Жорж Вашингтон ўз томорқасида марихуана етиштирган.*
- Александр Белл телефон кашфиётчиси сифатида машҳур бўлган бўлса-да, унинг онаси ва хотини бирор марта телефондан фойдалана олмаган. Чунки улар кар бўлишган.
- *Француз ёзувчиси Оноре де Бальзак 40 ёшдан сўнг бадиий ижод билан шуғуллана бошлаган. Лекин шунга қарамасдан у француз адабиётидаги энг кўп асар ёзган адиб сифатида тилга олинади. Адибнинг яна бир қизиқ одати шуки, у суткасига 16 соатлаб ижод қилган. Асар ёзиш вақтида эса, туриб кетмаслик учун оёқларини иш столига боғлаб қўйган.*
- Энг узоқ вақт ёзилган асар "Бобурнома" бўлиб, уни Заҳириддин Муҳаммад Бобур бутун умри давомида ёзган.
- *Машҳур олим Нобель мукофоти совриндори Нильс Бор ўз даврида футбол бўйича Дания терма жамоасининг дарвозабони ҳисобланган.*
- Таниқли ўзбек актёри Тўйчи Ориповнинг асл касби трамвай ҳайдовчиси эди. Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов эса рус тили ўқитувчиси бўлган.
- *Аёллар ичида спортнинг ортидан энг кўп пул ишлаган спортчи америкалик теннисчи Линдсей Дэвенпорт ҳисобланади. Яқинда у Австралия очиқ чемпионатининг биринчи даврасида ғалабага эришиб, 15 йиллик карьераси давомида ишлаган пуллари миқдорини 21897501 АҚШ долларигача етказди ва шу вақтгача пешқадам бўлган Штеффи Графдан ўзиб кетди.*

Бахт ДИЁР.

ТЎҒРИ ЁЗИШНИ БИЛАМИЗМИ?

ёхуд «реклама» хусусида айрим фикрлар

◈ Мулоҳаза

Тошкент шаҳри кўчалари бўйлаб гоҳ транспортда, гоҳ яёв кезсангиз, кўзингиз йўл бўйларида ўрнатилган турли реклама шитлари, фотороликларга тушади. Ҳар хил суратлар, безаклар билан жилоланган бундай манзаралар турли изоҳловчи ёзувларда ўз аксини топган. Бундай эълонларни ўқигач, кишида қизиқиш уйғонади.

Айтиш керакки, омма эътиборини тортувчи бундай реклама воситаларига қатъий талаб қўйилади. Улар барчада қизиқиш уйғотувчи, долзарб, ҳамма учун фойдали ва, энг муҳими, кам-кўстсиз бўлмоғи керак. Зеро, мамлакатимизда реклама қонун билан тартибга солинган. Бироқ, ҳамиша ҳам қонун талабларига амал қилинавермайди. Дарвоқе, ёзув ва тасвир бир-бирига мутаносиб бўлмаса, матнда хатоликлар бўлса, унда бундай рекламалар дилни сиёҳ қилиб қўяди. Аслида бизни ўйлантирадиган нарса ҳам худди мана шу.

Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувининг тасдиқланганлигига ҳам ўн йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу давр мобайнида кўплаб давлат идоралари ўз ҳужжатларини янги ёзув асосида тайёрлай бошлади. Худди шу маънода оммавий реклама эълонлари ҳам лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида хатосиз ёзилмоғи керак. Бироқ, орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамасдан, ҳалиҳануз ёзувларда жиддий хатоликлар борлиги кўзга ташланмоқда.

Биргина мисол, метрополитеннинг "Пахтакор" бекатида бир неча ой осиғлиқ турган (ҳозирда олиб ташланган) реклама эълони қуйидагича кўринишга эга: фонда буғдой бошоқлари тасвири, йирик планда катта-катта қилиб "Erni boqsang – er seni boqadi" дея ёзиб қўйилган. Саводли ҳар қандай одам бу ёзувни кўргач, таажжубга тушиши мумкин. Негаки, тасвирдаги бу жумла аслида лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида бундай ёзилади: "Yerni boqsang – yer seni boqadi".

Ёки бўлмаса, шаҳримизнинг "Ибн Сино" мавзеидаги бир тўйхонага "Toy xona" деб ёзилганини кўриб қолдим. Бу ерда [У] билан [Ў] ни фарқлатувчи белги – ['] қолиб кетган ва натижада у тўйхона эмас тойхона бўлиб қолган...

Шунингдек, баъзи бир хатоликлар тутуқ ['] белгиси ва кирилл алифбосига асосланган ўзбек ёзувида [Ў] ҳарфини лотин алифбосида ифодаланишида қўйилувчи ['] белгиларнинг фарқланмаслигида ҳам рўй бермоқда. Биргина оддий мисол. Газета таҳририятлари жойлашган бинога кираверишда бир қанча нашрларнинг номлари ёзилган. Уларни ўқиб туриб, диққатингиз бир ёзувга жамланади: "O'zbekiston adabiyoti va san'ati". Бир қарашда ҳаммаси тўғридек. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам қўйилган бир хил ишоранинг қайси бири тўғрилигини билмай қоласиз.

Ҳа, бу муаммолар янги алифбомизни яхши билмаслигимиздан келиб чиқаяпти. Демоқчимизки, саводхонлик нафақат ёш авлодга таълим берадиган илм-маърифат масканларининг, балки бутун жамоатчиликнинг ишидир. Токи янги алифбонинг тарғиботи борасида бош қотирмас эканмиз, бундай хатоликлар давом этаверади. Зотан, саводхонлик мамлакат равнақини таъминловчи муҳим жиҳатлардан биридир.

Бахтиёр ЁҚУБОВ,
"Adolat" мухбири.

ИТАЛИЯ КИНОСИ КУНЛАРИ

Пойтахтимизда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Италиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида "Италия киноси кунлари" бўлиб ўтди.

Икки давлат ўртасидаги халқаро маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Италия халқининг миллий урф-одатлари, анъаналари билан халқимизни яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилган ушбу йирик тадбирда италиялик кинематографлар томонидан суратга олинган "Гоморра", "Фаришталар йўли", "Ой тутилиши", "Энага", "Эртага" каби мавзу ҳамда жанр жиҳатидан турлича бўлган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди.

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat_gazeta.uz

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона – 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими – 236-55-64

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Рустам АҲМАДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ.

Нашр учун масъул
Холтўра ШАФОАТОВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир – Камол АЛЛАЁРОВ
Навбатчи – Бахтиёр ЁҚУБОВ

Саҳифаловчи-дастурчи – Бобур ТУРДАЛИ ўғли

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 400. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 5066. Босишга топшириш вақти – 21.30. Босишга топширилди – 21.30